ҚҲММБ: 06/20/5995/0605-сон
19.05.2020 й.

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# FARMONI

2020 yil «18» май ПФ–5995-son

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2016-2019 йиллар давомида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми – 171,2 фоизга, жумладан мева-сабзавотчилик – 172,6 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари – 170 фоизга, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 177,5 фоизга ошди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми 1,4 млн тоннадан ошиб, 2016 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсишга эришилди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, республикамизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Республикада **Organic ва Global G.A.P.** халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатимизнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида:

ҚҲММБ: 06/20/5995/0605-сон
19.05.2020 й.



1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича **"Йўл харитаси" 2-иловага** мувофиқ;

2020 – 2025 йилларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларида босқичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтишнинг прогноз кўрсаткичлари **3-иловага** мувофиқ;

2020 – 2025 йилларда мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) халқаро стандарти талаблари бўйича сертификатланадиган ер майдонларининг асосий экспортбоп экин турлари бўйича прогноз кўрсаткичлари **4-иловага** мувофиқ;

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши корхоналари ва кластерлари томонидан органик пахта хом ашёси етиштириш ҳамда органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси **5-иловага** мувофиқ;

Республика ҳудудларида агроэкотуризм жозибадорлигини янада ошириш учун органик бозорлар ва ресторанлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасидаги барча манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига:

барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлардан органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасидаги зарурий маълумотларни олиш;

органик маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш, сотиш ва сертификатлаш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари фаолиятининг эквивалентлигини баҳолаш ва авторизациялаш тизимини яратиш ҳуқуқи берилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ органик қишлоқ хўжалигига ўтказилган ер участкаларида экинларни жойлаштириш органик стандарт талабларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган алмашлаб экиш схемаларига мувофиқ амалга оширилади ва экинларни жойлаштиришда давлат аралашувига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, Фанлар академияси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар органик қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш тизимларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг "Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини;

"Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ихтиёрий сертификатлашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетида "Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш" йўналишида мутахассислар тайёрлаш учун ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқсин ва 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб ушбу йўналишда талабалар қабул қилишни йўлга қўйсин;

в) **бир ой муддатда** вазирлик тузилмасида белгиланган штатлар доирасида 4 та штат бирлигидан иборат органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантириш бошқармасини ташкил этсин;

д) **2021 йил 1 январга** қадар қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот институтларида мавжуд лабораторияларни замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозласин ва бирламчи органик уруғ етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйсин;

е) **2020 йил 31 декабрга** қадар Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича кредит маблағлари ҳисобидан "Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази" давлат унитар корхонаси қошида Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ комплекс синов лабораторияси мажмуасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда органик маҳсулотларни етиштириш (ишлаб чиқиш), қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлашга ҳамда органик уруғчиликни ривожлантиришга йўналтирилган беш йиллик давлат илмий-техник дастурларни ишлаб чиқсин ва лойиҳаларни танловлар асосида шакллантирсин.

6. "Ўзстандарт" агентлиги:

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Кодекс Алиментариус Комиссияси стандартлари талабларига мувофиқ Европа Иттифоқи билан савдо фаолиятини жадаллаштириш бўйича 2020-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурлари режасини ишлаб чиқсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар ISO 28000 Етказиб бериш занжирида хавфсизликни бошқариш тизимлари халқаро стандартлари серияларини қабул қилсин;

уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшимча қиймат занжирини ташкил этишда иштирок этувчи барча корхона ва ташкилотлар фаолиятларида бажариладиган жараёнларни ISO 28000 "Етказиб бериш занжирида хавфсизликни бошқариш тизимлари" халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини баҳолашнинг белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда органик маҳсулотларни зарарсизлантириш бўйича халқаро тажрибада қўлланилаётган усуллар ва воситалар рўйхатини шакллантирсин ҳамда экспортга йўналтирилаётган органик маҳсулотларни зарарсизлантириш ишларининг халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

ҚҲММБ: 06/20/5995/0605-сон
19.05.2020 й.



9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармон мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 18 майдаги ПФ–5995-сон Фармонига
1-илова

# Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш

# КОНЦЕПЦИЯСИ

Бугунги кунда, органик қишлоқ хўжалиги – жаҳон тренди ҳисобланади. **2019** йилда органик қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро бозорлардаги савдо айланмаси **96,7 млрд еврони** ташкил этиб, **71,5 млн** гектар майдонда **2,8 млн** ишлаб чиқарувчи ушбу фаолият тури билан шуғулланган.

Экспертларнинг баҳолашига кўра, дунё органик маҳсулотлари бозорида сўнгги **5 йил** давомида йилига ўртача **15** фоиздан ўсишга эришилиб, **2022 йилда** савдо айланмаси **212 млрд** АҚШ доллари (жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 фоизи)ни ташкил этиши прогноз қилинган.

Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) маълумотларига кўра, дунёнинг **103 та** мамлакатида органик қишлоқ хўжалиги тўғрисида қонун қабул қилинган бўлиб, **6 та** мамлакатда қонун ишлаб чиқилмоқда.

Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) ва Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати бўйича Халқаро Федерацияси (IFOAM)нинг Жаҳон органик қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича 2019 йилдаги нашрида Ўзбекистон Республикаси мева етиштириш бўйича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилган ва республикамиз органик мева ишлаб чиқариш учун қулай ер майдонларига эга эканлиги қайд этилган.

Республикамиздаги “Sunny Fruit Production” МЧЖ томонидан **2017-2019** йилларда жами **1 848** тонна органик майиз етиштирилиб, Россия Федерацияси, Франция, Германия, Голландия, Италия ва Греция мамлакатларига майизнинг анъанавий турига нисбатан **14,7 фоизга** юқори нархларда экспорт қилинган ва **4,1 баробар** кўпроқ соф фойда олинган.

Шу каби, **2019** йилда АҚШ бозорларида **1 тонна** органик пахта хомашёси анъанавий турига нисбатан 155 доллардан 225 долларгача юқори нархларда баҳоланган.

ҚҲММБ: 06/20/5995/0605-сон
19.05.2020 й.



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида ушбу амалиёт ўз ўрнига эга, яъни асрлар давомида шаклланган анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик тамойилларига асосланган. Бу генларни модификация қилиш технологияларини қўлламасдан, озуқавий қиймати юқори, ўзига хос таъм ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган органик (экологик тоза) мева ва сабзавотларни етиштириш имконини беради.

Шунингдек, айни вақтда республикамизда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қуйидаги қулай шароитлар мавжуд:

заҳарли моддалар билан зарарланмаган экин майдонлари;

томорқа хўжаликларида етиштирилган органик маҳсулотларни экспорт қилиш натижасида аҳоли даромадини ошириш имконияти;

органик ишлаб чиқариш бўйича агрокластер, логистика ва кооперация тизимларини ривожлантириш натижасида аҳоли бандлигини ошириш имконияти;

лабораториялар, назорат ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини таҳлил қилиш имконияти;

генетик модификацияланган организмлар (ГМО)дан ҳоли минтақалар.

Қулай шароит ва имкониятлар мавжудлигига қарамасдан, республикамизда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганлиги нафақат атроф-муҳитга, инсонлар саломатлигига, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, балки ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва географиясини кенгайтиришга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда – **Концепция**):

органик маҳсулотларни расмий кафолатлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг **хорижий бозорларга киришини енгиллаштириш ва экспорт географиясини кенгайтириш**;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш ва **янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш**;

соғлом овқатланиш имкониятини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ва **озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори сифати ҳамда хавфсизлигини ошириш**, атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш;

тупроқ унумдорлигини ошириш ва деградациясининг олдини олиш, экотизимнинг биологик хилма-хиллигини, экологик барқарорликни сақлаб қолиш, "**даладан дастурхонгача**" технологик схемаси бўйича **сертификатлаштириш ва назорат тизимларини кучайтириш**;

**илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш** ва малакали мутахассислар тайёрлаш ишларини жадаллаштиришга қаратилган.

Концепция қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

**1. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш**

Органик ва органоминерал ўғитларнинг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламентни ишлаб чиқиш.

Болалар овқатларининг хавфсизлиги тўғрисидаги махсус техник регламентни ишлаб чиқиш.

Махсус озиқ-овқат маҳсулотлари, функционал парҳез, даволаш ва парҳез-профилактика овқатлари хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни ишлаб чиқишда органик маҳсулотларга қўйилган талабларни инобатга олиш.

Органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар ўрнатиш шакли ва тартибини жорий этиш.

**2. Сертификатлаштириш, авторизация ва аккредитация тизимларини шакллантириш**

Органик ишлаб чиқариш соҳасидаги сертификатлаштириш, авторизациялаш ва аккредитациялашнинг миллий тизимларини яратиш.

Органик маҳсулот ва хомашёларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш, сотиш ва сертификатлаш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти эквивалентлиги (тенг қийматлилиги)ни баҳолаш ва авторизациялаш.

Органик маҳсулотлар учун давлат савдо белгиси (логотипи)ни ишлаб чиқиш.

"Биосифат" марказий лабораториясини ҳамда Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти қошидаги дарахт кўчатлари ва гул қаламчалари бўйича синов лабораториясини Қишлоқ хўжалигида

стандартлаштириш маркази таркибига ўтказган ҳолда ушбу йўналишдаги мувофиқликни баҳолаш идорасини ташкил этиш.

**3. Органик маҳсулот ва хомашёларни ишлаб чиқариш учун малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш**

Тошкент давлат аграр университетида "Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш" йўналишида мутахассислар тайёрлаш ҳамда Германия, АҚШ, Франция, Исроил, Италия, Туркия каби органик қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатлардан малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича етакчи олий ва илмий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Тошкент давлат аграр университети ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг тегишли илмий-тадқиқот институтларини жалб қилган ҳолда Туркиянинг Эгей университети ва бошқа хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва органик пахтачилик соҳасида илмий-тадқиқотлар олиб бориш юзасидан ҳамкорлик чораларини амалга ошириш.

Органик қишлоқ хўжалигини юритиш бўйича ўқув ва услубий материалларни тайёрлаш.

Органик ишлаб чиқаришнинг мақсади ва истиқболлари тўғрисидаги билимларни оммалаштириш ишларини амалга ошириш.

Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари бўйича фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлар ва бошқа манфаатдорлар учун ўқув ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

"Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази" давлат унитар корхонаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларни органик ишлаб чиқаришга ўтказиш ва сертификатлаштиришга тайёрлаш жараёнларида уларнинг мутахассисларига органик стандарт талабларини ўргатиш ва зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича хўжалик шартномалари асосида маслаҳат хизматларини кўрсатиш ишларини ташкил этиш.

"Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази" давлат унитар корхонасининг органик қишлоқ хўжалиги ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти талабларини жорий қилувчи маҳсулот етиштирувчилар, экспорт қилувчилар учун масалаҳат хизматлари, халқаро кўргазма, ўқув семинарлари ва тренингларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаш чораларини кўриш.

## 4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ички бозорларни ривожлантириш ва экспорт географиясини кенгайтириш

Маҳаллий органик маҳсулотларни сотиш учун салоҳиятли экспорт бозорларида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва ички бозорларни ривожлантириш.

Талаб юқори ва истиқболли органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари турларини аниқлаш учун органик маҳсулотлар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш, йирик савдо тармоқларида органик маҳсулотларни қадоқлаш ва тамғалаш турларини таҳлил қилиш.

Органик маҳсулот турлари бўйича ички бозор ҳажми ва экспорт салоҳиятини аниқлаш.

Салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш орқали Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва АҚШ каби давлатларга органик маҳсулотларни экспорт қилиш учун зарур инфратузилмага эга бўлган кластерлар, кооператив ва логистика марказларини ташкил этиш.

Органик қишлоқ хўжалиги билан алоқадор субъектларнинг соҳага тегишли республика ва халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирокини таъминлаш.

Органик маҳсулотларни истеъмол қилиш орқали аҳолининг соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш ва уни тарғиб қилиш бўйича тадбирларни ўтказиш. Бунда, аҳолининг кенг қатламлари билан бирга манфаатдор вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари, мева-сабзавот кластерлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар вакилларининг иштирокини таъминлаш.

Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракатларининг халқаро федерацияси билан алоқа ўрнатиш учун органик товар ишлаб чиқарувчилар уюшмасини тузишга ташкилий жиҳатдан кўмаклашиш.

Органик пахта хомашёсини етиштириш, тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлаш ва экспорт қилиш бўйича Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ва Япония каби ушбу йўналишлар ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича халқаро ташкилотлар (FAO, GIZ, USAID, КОРІА, JICA ва бошқ.)нинг техник кўмаклари доирасида ўқув танишув сафарларини ташкил этиш. Бунда, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари билан биргаликда органик пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш имкониятига эга тадбиркорлар ва фермерлар иштирок этишини таъминлаш.

ҚҲММБ: 06/20/5995/0605-сон
19.05.2020 й.



Глобал органик тўқимачилик стандарти (Global Organic Textile Standard – GOTS) талабларини ҳамда халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда:

миллий стандартлар ишлаб чиқиш ва улар талабларига мувофиқ экспортга йўналтирилган органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилади;

экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда тўқимачилик соҳасига инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади;

Textile Exchange фаолияти ўрганилади ва у билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Туркиянинг EGEDENIZ TEKSTIL A.S билан ҳамкорликда органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш чораларини кўриш.

Аҳоли ихтиёридаги сут маҳсулотларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва сотишни ўз ичига олган кооперация ташкил этиш бўйича илғор чет эл тажрибаларини ўрганиш ва ушбу йўналишда кооперативлар ташкил этиш чораларини кўриш.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Навоий вилоятларининг ихтисослашган туманларида ташаббускорлар томонидан аҳоли хонадонларида органик курка етиштириш тажрибасини яратиш ва етиштирилган маҳсулотларни органик сертификатлаштириб, экспортга йўналтириш.

Республикамизнинг кимёвий ишлов берилмайдиган тоғ ва тоғолди минтақаларида етиштирилаётган ёнғоқ ва бошқа данакли мевалар ва резаворларни кооперациялар орқали органик сертификатлаштириш ва экспортга йўналтириш тадбирларини ташкил этиш.

**5. Органик маҳсулот ва хомашёларни ишлаб чиқариш доирасидаги илмий-тадқиқотларни кенгайтириш**

Минтақа ва маҳаллий даражаларда органик ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитлари учун қишлоқ хўжалиги ер турларининг яроқлилигини комплекс баҳолашдан ўтказиш.

Комплекс баҳолаш натижасида органик ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, вилоятлар ва табиий-қишлоқ хўжалиги туманларининг яроқлилиги бўйича хўжаликлар сонини аниқлаш.

Органик ишлаб чиқаришни таъминлайдиган технологик омиллар ва биологик воситалардан комплекс фойдаланишга таянадиган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ўғитлар ва биопрепаратлар қўллашнинг яхлит тизимлари, тупроқларга ишлов бериш ва алмашлаб экиш (дала ва ем-хашак, сабзавот ҳамда картошка) усулларини ишлаб чиқиш.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларида органик ишлаб чиқаришни тасарруф этишнинг асосларини шакллантириш.

Кластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун органик стандартлар ва органик қишлоқ хўжалигининг асосий тамойиллари бўйича органик деҳқончилик тизимларига босқичма-босқич ўтиш усулларини ишлаб чиқиш.

Органик чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш.

Органик маҳсулотлар бозорларини самарали шакллантириш, уларни сертификатлаштириш ва тамғалаш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.

Органик пахтачилик ва органик тўқимачилик соҳасининг илмий асосларини ривожлантириш.

Органик уруғчиликни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ва жадаллаштириш.

Органик ишлаб чиқаришга асосланган ўсимликшунослик ва чорвачилик соҳасидаги фермерлар, деҳқонлар ва бошқа кичик тадбиркорлик субъектларини ўқитиш учун амалий намойиш майдончаларини яратиш.

**6. Органик ишлаб чиқариш доирасидаги ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар**

Органик маҳсулот ва хомашёларни ишлаб чиқарувчилар реестрлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва сотишни амалга оширувчи шахслар тўғрисидаги расмий маълумотларни чоп этиш ва органик маҳсулот (хомашё)ларни ишлаб чиқарувчилар реестрини юритиш.

Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларга сотиш тўғрисидаги давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш усулларини ишлаб чиқиш.

Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларга сотиш тўғрисидаги мавжуд маълумотларни чоп этиш.

Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларга сотиш тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш мақсадида амалдаги давлат статистика ҳисоботи шаклларини такомиллаштириш, зарур ҳолларда янги ҳисобот шаклини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

**7. Органик ишлаб чиқариш тизимларини халқаро тизимларга интеграциялаштириш**

Органик қишлоқ хўжалиги доирасидаги сертификатлаштириш идораларини халқаро аккредитациядан ўтказиш.

Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг IFOAMда иштирокини, Марказий Осиё ва глобал даражада органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича тажриба алмашишини ташкил этиш.

Халқаро органик форумларда (илмий-тадқиқот масалалари ёки сертификатлаштириш бўйича) иштирок этиш.

Органик қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро анжуман ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 18 майдаги ПФ–5995-сон Фармонига
2-илова

**Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича**
**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | **I. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш** | | | |
| 1. | Органик ва органик-минерал ўғитларнинг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламентни ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2020 йил 1 сентябрь | Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги |
| 2. | Болалар овқатларининг хавфсизлиги тўғрисида махсус техник регламентни ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2020 йил 1 октябрь | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 3. | Махсус озиқ-овқат маҳсулотлари, функционал парҳез, даволаш ва парҳез-профилактика овқатлари хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни ишлаб чиқишда органик маҳсулотларга қўйилган талабларни инобатга олиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 декабрь | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК |
| 4. | Органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар ўрнатиш шакли ва тартибини жорий этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2020 йил 1 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **II. Сертификатлаштириш, авторизация ва аккредитация тизимларини шакллантириш** | | | | |
| 5. | Органик ишлаб чиқариш соҳасида авторизация, аккредитация ва сертификатлаштиришнинг миллий тизимларини яратиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 март | “Ўзстандарт” агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси |
| 6. | Органик маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш, сотиш ва сертификатлаш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари фаолиятининг эквивалентлигини баҳолаш ва авторизациялаш тизимини яратиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 март | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, “Ўзстандарт” агентлиги |
| 7. | Органик маҳсулотлар учун давлат савдо белгиси (логотип)ни ишлаб чиқиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 октябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК, “Ўзстандарт” агентлиги |
| 8. | “Биосифат” марказий лабораториясини ҳамда Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти қошидаги Дарахт кўчатлари ва гул қаламчалари бўйича синов лабораториясини Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази таркибига ўтказган ҳолда ушбу йўналишдаги мувофиқликни баҳолаш идорасини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 август | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, “Ўзстандарт” агентлиги |
| **III. Органик маҳсулотлар ва хомашёларни ишлаб чиқариш учун малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш** | | | | |
| 9. | Тошкент давлат аграр университетида “Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш” йўналишида мутахассислар тайёрлаш ҳамда Германия, Америка, Франция, Исроил, Италия, Туркия каби органик қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатлардан малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича етакчи олий ва илмий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 октябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 10. | Тошкент Давлат аграр университети ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг тегишли илмий-тадқиқот институтларини жалб қилган ҳолда Туркиянинг Эгей университети ва бошқа хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва органик пахтачилик соҳасида илмий-тадқиқотлар олиб бориш юзасидан ҳамкорлик чораларни амалга ошириш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2021 йил 1 март | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги |
| 11. | Органик қишлоқ хўжалигини юритиш бўйича ўқув ва услубий материалларни тайёрлаш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2020 йил 1 август | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги |
| 12. | Органик ишлаб чиқаришнинг мақсади ва истиқболлари тўғрисидаги билимларни оммалаштириш ишларини амалга ошириш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 октябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги |
| 13. | Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш масалалари бўйича фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлар ва бошқа манфаатдорлар учун ўқув ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 август | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 14. | “Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази” ДУК томонидан хўжалик юритувчи субъектларни органик ишлаб чиқаришга ўтказиш ва сертификатлаштиришга тайёрлаш жараёнларида қишлоқ хўжалиги корхоналари мутахассисларига органик стандарт талабларини ўргатиш ва зарурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича хўжалик шартномалари асосида маслаҳат хизматларини кўрсатиш ишларини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 август | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК, Ёнғоқ етиштирувчилар ва экспортёрлар уюшмаси |
| 15. | “Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази” ДУКнинг органик қишлоқ хўжалиги ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти талабларини жорий қилувчи фермер хўжаликлари, экспортёр ташкилотлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун масалаҳат хизматлари, халқаро кўргазма, ўқув семинарлар ва тренингларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларини Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2020 йил 1 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК, Ёнғоқ етиштирувчилар ва экспортёрлар уюшмаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **IV. Миллий ишлаб чиқарувчилар учун ички бозорни ривожлантириш ва экспорт географиясини кенгайтириш** | | | | |
| 16. | Миллий органик маҳсулотларни реализация қилиш учун салоҳиятли экспорт бозорларини аниқлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказишни таъминлаш ва ички бозорларни ривожлантириш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2020 йил 1 август | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК |
| 17. | Талаб юқори ва истиқболли органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари турларини аниқлаш учун органик маҳсулотлар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда йирик савдо тармоқларида органик маҳсулотларни қадоқлаш ва тамғалаш турларини таҳлил қилиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2020 йил 1 сентябрь | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК,<br>“Ўзстандарт” агентлиги |
| 18. | Органик маҳсулотлар бўйича ички бозор ҳажми ва уларнинг экспорт салоҳиятини аниқлаш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2020 йил 1 декабрь | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,<br>“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, |
| 19. | Салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш орқали Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва АҚШ каби давлатлар бозорларига органик маҳсулотларни экспорт қилиш учун зарурий инфратузилмаларга эга бўлган агрокластерлар, кооперативлар ва логистика марказларини ташкил этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2021 йил 1 апрель | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,<br>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,<br>Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси |
| 20. | Органик қишлоқ хўжалиги билан алоқадор хўжалик юритиш субъектларининг соҳага тегишли республика ва халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишини таъминлаш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 апрель | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги,<br>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 21. | Органик (экологик тоза) маҳсулотларни истеъмол қилиш орқали аҳолининг соғлом овқатланиш анъанасини шакллантириш ва уни тарғиб қилиш бўйича тадбирларни ўтказиш.<br>Бунда, аҳолининг кенг қатламлари билан бирга манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул мутахассислари, мева-сабзавот кластерлари, озиқ-овқат | Ташкилий чора-тадбирлар | Доимий | Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |

ҚҲММБ: 06/20/5995/0605-сон
19.05.2020 й.



| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | ишлаб чиқариш корхоналари вакилларининг иштирок этишини таъминлаш. | | | |
| 22. | Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракатларининг халқаро федерацияси билан алоқа ўрнатиш учун органик товар ишлаб чиқарувчилар уюшмасини тузишга ташкилий жиҳатдан кўмаклашиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2021 йил 1 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши |
| 23. | Органик пахта хомашёсини етиштириш, тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлаш ва экспорт қилиш бўйича Ҳиндистон, Хитой, Туркия ва АҚШ каби ушбу йўналиш ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича халқаро ташкилотлар (FAO, GIZ, USAID ва шу кабилар)нинг техник кўмаклари доирасида ўқув танишув сафарларини ташкил этиш.<br>Бунда, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул мутахассислари билан бирга органик пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш имкониятига эга тадбиркорлар ва фермерлар иштирок этишини таъминлаш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил (Ҳиндистон, Туркия), 2022 йил (Хитой, АҚШ) | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси |
| 24. | Глобал органик тўқимачилик стандарти (Global Organic Textile Standard – GOTS) талабларини ҳамда халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда:<br>миллий стандартлар ишлаб чиқиш ва улар талабларига мувофиқ экспортга йўналтирилган органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;<br>экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда тўқимачилик соҳасига инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;<br>Textile Exchange фаолияти ўрганиш ва у билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2021 йил 1 февраль | “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |
| 25. | Туркиянинг EGEDENIZ TEKSTIL A.S билан ҳамкорликда органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш чораларини кўриш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 декабрь | “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 26. | Аҳоли ихтиёридаги сут маҳсулотларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва реализация қилишни ичига олган кооперация ташкил этиш бўйича илғор чет эл тажрибаларини ўрганиш | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 март | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | ва ушбу йўналишда кооперативлар ташкил этиш чораларини кўриш. | | | Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 27. | Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг туманларида ташаббускорлар томонидан аҳоли хонадонларида органик курка етиштириш тажрибасини яратиш ва етиштирилган маҳсулотларни органик сертификатлаштириб, экспортга йўналтириш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2021 йил 1 март | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 28. | Республикамизнинг кимёвий ишлов берилмайдиган тоғ ва тоғолди минтақаларида етиштирилаётган ёнғоқ ва бошқа данакли мевалар ва резаворларни кооперациялар орқали органик сертификатлаштириш ва экспортга йўналтириш тадбирларини ташкил этиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2020 йил 1 ноябрь | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ёнғоқ етиштирувчилар ва экспортёрлар уюшмаси |
| | **V. Органик маҳсулотлар ва хомашёларни ишлаб чиқариш доирасидаги илмий-тадқиқотларни кенгайтириш** | | | |
| 29. | Минтақа ва маҳаллий даражаларда органик ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитлари учун қишлоқ хўжалиги ер турларининг яроқлилигини комплекс баҳолашдан ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 март | Давергеодезкадастр қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси |
| 30. | Комплекс баҳолаш натижасида органик ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, вилоятлар ва табиий-қишлоқ хўжалик туманларининг яроқлилиги бўйича хўжаликлар сонини аниқлаш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 декабрь | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 31. | Органик ишлаб чиқаришни таъминлайдиган технологик омиллар ва биологик воситалардан комплекс фойдаланишга таянадиган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ўғитлар ва биопрепаратларни қўллашнинг яхлит тизимлари, тупроқларга ишлов бериш ва алмашлаб экиш | Илмий-услубий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 март | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | (дала ва ем-хашак, сабзавот ва картошка) усулларини ишлаб чиқиш. | | | |
| 32. | Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер, деҳқон ва хусусий томорқа хўжаликларида органик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосларини шакллантириш. | Илмий-услубий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги |
| 33. | Кластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун органик стандартлар ва органик қишлоқ хўжалигининг асосий тамойиллари бўйича органик деҳқончилик тизимларига босқичма-босқич ўтиш усулларини ишлаб чиқиш. | Илмий-услубий чора-тадбирлар | 2022 йил 1 февраль | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги |
| 34. | Органик чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш. | Илмий-услубий чора-тадбирлар | 2022 йил 1 февраль | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги |
| 35. | Органик маҳсулотлар бозорларини самарали шакллантириш, уларни сертификатлаштириш ва тамғалаш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш. | Илмий-услубий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 февраль | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги |
| 36. | Органик пахтачилик ва органик тўқимачилик соҳасининг илмий асосларини ривожлантириш. | Илмий-услубий чора-тадбирлар | 2020–2022 йиллар | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси |
| 37. | Органик уруғчиликни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ва жадаллаштириш. | Илмий-услубий чора-тадбирлар | 2020–2024 йиллар | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 38. | Органик ишлаб чиқаришга асосланган ўсимликшунослик ва чорвачилик соҳасидаги фермерлар, деҳқонлар ва бошқа кичик тадбиркорлик субъектларини ўқитиш учун амалий намойиш майдончаларини яратиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020–2022 йиллар | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги |
| | **VI. Органик ишлаб чиқариш доирасидаги ҳисоб ва ҳисоботлар** | | | |
| 39. | Органик маҳсулотлар ва хомашёларни ишлаб чиқарувчилар реестрлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2020 йил 1 сентябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК |
| 40. | Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва реализация қилишни амалга оширувчи шахслар тўғрисидаги расмий маълумотларни чоп этиш ва органик маҳсулот (хомашё)ларни ишлаб чиқарувчилар реестрини юритиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 февраль | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК |
| 41. | Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт ва реализация | Ташкилий чора-тадбирлар | 2021 йил 1 апрель | Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | қилиш тўғрисидаги давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш усулларини ишлаб чиқиш. | | | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК |
| 42. | Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт ва реализация қилиш тўғрисидаги мавжуд маълумотларни чоп этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йилдан бошлаб ҳар йили июль ойида | Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК |
| 43. | Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт ва реализация қилиш тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш мақсадида амалдаги давлат статистика ҳисоботи шаклларини такомиллаштириш, зарур ҳолларда янги ҳисобот шаклини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил декабрь | Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК |
| **VII. Органик ишлаб чиқариш тизимларини халқаро тизимларга интеграциялаштириш** | | | | |
| 44. | Органик қишлоқ хўжалиги доирасидаги миллий сертификатлаштириш идораларини халқаро аккредитациядан ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил декабрь | “Ўзстандарт” агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 45. | Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари органик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларининг IFOAMда иштирок этишини, Марказий Осиё ва глобал даражада органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича тажриба алмашишини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | Доимий | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК |
| 46. | Халқаро органик форумларда (илмий-тадқиқот масалалари ёки сертификатлаш бўйича) иштирок этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | Доимий | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК |

ҚҲММБ: 06/20/5995/0605-сон
19.05.2020 й.



| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 47. | Органик қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро анжуман ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | Икки йилда бир марта | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 18 майдаги ПФ–5995-сон Фармонига
3-илова

## 2020 – 2025 йилларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларида босқичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтишнинг прогноз кўрсаткичлари

**фоиз ҳисобида**

| Т/р | Йўналишлар | Кўрсаткичлар | Босқичлар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2021 йил | 2022 йил | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил |
| **1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда** | | | | | | | |
| 1. | Пахта хомашёси етиштиришда | Ғўза экини экилган умумий майдонга нисбатан | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 2. | Дон, дуккакли ва мойли экинлар етиштиришда | Дон, дуккакли ва мойли экинлар экилган умумий майдонга нисбатан | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 3. | Боғдорчиликда | Ҳосилли боғзорлар умумий майдонига нисбатан | 2 | 4 | 6 | 8 | 10 |
| 4. | Узумчиликда | Ҳосилли узумзорлар умумий майдонига нисбатан | 2 | 5 | 8 | 12 | 15 |
| 5. | Сабзавот-полизчиликда | Сабзавот-полиз етиштириладиган умумий майдонга нисбатан | 0,5 | 1 | 1,5 | 2,5 | 3 |
| **2. Ўрмон фонди ерларида** | | | | | | | |
| 6. | Экин ерларда | Экин экилган умумий майдонга нисбатан | 2 | 3 | 5 | 6 | 8 |
| 7. | Писта ва бодомзорларда | Писта ва бодомзорлар умумий майдонига нисбатан | 3 | 7 | 10 | 12 | 15 |
| 8. | Ковул (каперс) йиғишда | Ковул йиғиладиган умумий майдонга нисбатан | 10 | 15 | 20 | 25 | 30 |
| 9. | Резаворлар йиғишда | Резаворлар ўсадиган умумий майдонга нисбатан | 5 | 10 | 15 | 20 | 25 |

| Т/р | Йўналишлар | Кўрсаткичлар | Босқичлар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2021 йил | 2022 йил | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил |
| 10. | Коврак (ферула) йиғишда | Коврак йиғиладиган умумий майдонга нисбатан | 5 | 6 | 7 | 8 | 10 |
| 11. | Доривор ўсимликларни йиғишда | Доривор ўсимликлар йиғиладиган умумий майдонга нисбатан | 3 | 4 | 7 | 8 | 10 |
| **3. Чорвачилик йўналишида** | | | | | | | |
| 12. | Гўшт етиштиришда | Гўшт етиштиришнинг умумий ҳажмига нисбатан | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 13. | Сут етиштиришда | Сут етиштиришнинг умумий ҳажмига нисбатан | 2 | 3 | 5 | 6 | 8 |
| 14. | Курка гўшти етиштиришда | Парранда бош сонига нисбатан | 5 | 10 | 15 | 20 | 25 |

ҚҲММБ: 06/20/5995/0605-сон
19.05.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 18 майдаги ПФ–5995-сон Фармонига
4-илова

## 2020 – 2025 йилларда мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) халқаро стандарти талаблари бўйича сертификатланадиган ер майдонларининг асосий экспортбоп экин турлари бўйича прогноз кўрсаткичлари

| Т/р | Ҳудудлар номлари | Умумий майдон, га | Шу жумладан, йиллар бўйича (умумий майдонга нисбатан фоиз ҳисобида) | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2020-2021 йилларда | | | | 2021-2022 йилларда | | | | 2022-2023 йилларда | | | | 2023-2025 йилларда | | | |
| | | | боғ | узум | саб-завот | полиз | боғ | узум | саб-завот | полиз | боғ | узум | саб-завот | полиз | боғ | узум | саб-завот | полиз |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 23 410 | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | 3 | 4 | 3 | 5 | 5 |
| 2. | Андижон | 30 404 | 2 | 3 | 4 | 5 | 4 | 5 | 7 | 8 | 7 | 8 | 10 | 10 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 3. | Бухоро | 23 161 | 2 | 1 | 1 | 2 | 3 | 2 | 3 | 3 | 4 | 3 | 4 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| 4. | Жиззах | 20 597 | 5 | 4 | 3 | 3 | 7 | 8 | 5 | 5 | 10 | 10 | 7 | 8 | 12 | 12 | 10 | 10 |
| 5. | Қашқадарё | 30 420 | 6 | 6 | 3 | 5 | 8 | 8 | 7 | 6 | 10 | 10 | 12 | 15 | 15 | 15 | 15 | 20 |
| 6. | Навоий | 11 041 | 2 | 2 | 1 | 1 | 3 | 3 | 2 | 2 | 4 | 4 | 3 | 3 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| 7. | Наманган | 25 760 | 8 | 8 | 5 | 5 | 10 | 10 | 7 | 7 | 12 | 12 | 8 | 8 | 15 | 15 | 10 | 10 |
| 8. | Самарқанд | 66 668 | 7 | 8 | 3 | 2 | 10 | 12 | 4 | 4 | 13 | 14 | 5 | 5 | 15 | 15 | 7 | 7 |
| 9. | Сурхондарё | 41 541 | 3 | 3 | 5 | 3 | 6 | 6 | 10 | 6 | 10 | 10 | 15 | 9 | 15 | 12 | 25 | 15 |
| 10. | Сирдарё | 16 379 | - | - | 2 | 5 | 1 | 1 | 4 | 10 | 2 | 2 | 6 | 15 | 3 | 3 | 8 | 20 |
| 11. | Тошкент | 68 937 | 5 | 5 | 4 | 2 | 8 | 8 | 7 | 3 | 12 | 12 | 13 | 4 | 15 | 15 | 20 | 5 |
| 12. | Фарғона | 49 420 | 6 | 6 | 4 | 2 | 10 | 10 | 6 | 3 | 15 | 15 | 8 | 4 | 20 | 20 | 10 | 5 |
| 13. | Хоразм | 12 970 | - | - | 1 | 3 | 1 | 1 | 3 | 5 | 2 | 2 | 5 | 7 | 3 | 3 | 8 | 10 |
| **Жами:** | | **420 709** | **4** | **4** | **3** | **3** | **6** | **6** | **5** | **5** | **8** | **8** | **8** | **8** | **10** | **10** | **11** | **10** |

ҚҲММБ: 06/20/5995/0605-сон
19.05.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 18 майдаги ПФ–5995-сон Фармонига
5-илова

**Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши корхоналари ва кластерлари томонидан органик пахта хомашёси етиштириш ва органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича амалий**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар номлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|
| 1. | Мавжуд пахта тўқимачилик кластерлари орасидан органик пахта хомашёси етиштириш ва органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ташаббускорларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш. | 2020 йил июль | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 2. | Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари билан органик пахта хомашёси етиштириш ва органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишда самарали фаолият юритаётган чет эл корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ишларини ташкил этиш. | 2020 йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |
| 3. | Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерларида органик пахта хомашёси етиштириш ва органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун миллий ва халқаро консультантларни ёллаш бўйича тадбирларни амалга ошириш. | 2021-2023 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|
| 4. | Глобал органик тўқимачилик стандарти (Global Organic Textile Standard – GOTS) талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун мутахассислар тайёрлаш. | 2021-2022 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзстандарт” агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |
| 5. | Сертификатлаштириш ишларини бошлаш ва сертификатлаштириш идорасини танлаш. | 2021 йилнинг 1 апрелига қадар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзстандарт” агентлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |
| 6. | Органик ишлаб чиқаришга ўтиш учун зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва ёзувларни юритиш ишларини ташкил этиш. | 2021 йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |
| 7. | Органик пахта хомашёсини етиштириш учун био ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларини қўллаш. | 2021 йил вегитация давридан | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|
| 8. | Органик пахта хомашёсидан органик тўқимачилик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошлаш. | 2023 йил 1 январдан бошлаб | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |
| 9. | Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тамғалашда Глобал органик тўқимачилик стандарти (GOTS) талабларига мувофиқ савдо белгисидан фойдаланиш. | 2024 йил 1 январдан бошлаб | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |
| 10. | Пахта-тўқимачилик соҳасига алоқадор илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари олимлари томонидан бепул маслаҳат хизматлари кўрсатишни, услубий материаллар билан таъминлашни ҳамда ушбу йўналишда илмий-тажриба йўналишида ҳамкорлик қилишни таъминлаш. | 2020 йил вегитация даври бошидан | Фанлар Академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |
| 11. | Органик тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятига эга давлатлар ва бозорларни аниқлаш ва ўрганиш. | 2021 йилдан бошлаб | “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |
| 12. | Глобал органик тўқимачилик стандарти (GOTS) талабларига мувофиқ сертификатланган маҳсулотларни экспорт қилиш ва ташқи бозорларда сотиш ишларини ташкил этиш. | 2023 йилдан бошлаб | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташаббускор пахта-тўқимачилик кластерлари |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 18 майдаги ПФ–5995-сон Фармонига
6-илова

## Республика ҳудудларида агроэкотуризм жозибадорлигини янада ошириш учун органик бозорлар ва ресторанлар ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси

| Т/р | Чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | Органик бозорлар ва ресторанлар ташкил этиш учун мақбул ер майдонларини "E-IJRO AUKSION" савдо майдончасига киритиш ҳамда тадбиркорлар ва инвесторлар ўртасида электрон онлайн-аукцион ташкил этиш. | 2020 йил III чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 2. | Танлов натижаларига мувофиқ танланган ер участкаларида замонавий-тарихий уйғунликдаги миллий анъаналаримиз акс эттирилган ўзига хос жозибадорликка эга органик бозор ва ресторанлар қурилиши ишларини амалга ошириш. | 2020-2021 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 3. | Органик сертификатга эга фермер хўжаликларининг органик бозорларда маҳсулотларини сотишлари учун қулай шароитлар яратиб бериш. | 2021 йилдан бошлаб | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 4. | Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари билан Тошкент, Қўқон, Марғилон, Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги машҳур меҳмонхоналар ва ресторанлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатишини таъминлаш. | 2021 йилдан бошлаб | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 5. | Тошкент, Қўқон, Марғилон, Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида органик бозор ва ресторанлар ташкил этилганлиги тўғрисида давлат ва хорижий тилларда тарғибот ва реклама қилиш ишларини ташкил этиш. | доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1